



санасидан
қонунчиликда
нималар
ўзгаради?



● Паспорт ва бошқа ҳужжатларнинг электрон шакли расман тан олинади;



● Болалар нафақаси миқдори ошади;



● Фуқароларга давлат пенсиялари ва компенсациялари тайинлашнинг содда-лаштирилган тартиби жорий этилади;

● Пенсиялар, нафақалар ҳамда кам таъминланган oilаларга болалар нафақалари ва моддий ёрдам тўловлари 10 фоизга оширилади;



● Тошкент вилоятида ичимлик ва оқова сув хизматлари нархи оширилади;



● Давлат таълим ташкилотлари ва муассасалари худудда жойлашган ва улар балансидаги боғлар ҳамда ер майдонлари хусусийлаштирилиши тақиқланади;



● Барча товарлар экспортга чекловлар бекор қилинади;



● Давлат маданият муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи оширилади;



● Электрон тижорат операторлари фаолияти хабардор қилиш тартибда амалга оширилади;



● Савдо тартибларини содда-лаштириш битими талаблари асосида товарларга нисбатан имтиёزلарни қўллаш бўйича божхона органларининг дастлабки қарорларини бериш тартиби жорий этилади;



● Тўлов ва электрон пул тизимлари, шунингдек, тўлов ташкилотлари фаолияти устидан назорат кучаяди;

● Энергия самарадорлиги Миллий агентлиги томонидан БХМнинг 50 бараваридан ошмаган миқдорда субсидия ажратилади.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ — ЯНГИ ТАРИХ ЯРАТАДИГАН ОЛТИН АВЛОД



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 30 ИЮНЬ — ЁШЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН УЧРАШУВДА НУТҚ СЎЗЛАДИ ВА ЁШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛДИ.

Қуйидаги QR кодини сканер қилинг ва батафсил танишинг.



Биринчи ва иккинчи Ренессансни буюк аллома ва мутафаккирларимиз яратган бўлса, бугун тарих навбатни сизларга бермоқда. Ишончим комил, сизлар барча соҳаларда мамлакатимиз байроғини баланд кўтаришга қодирсиз. Сизлар — Янги Ўзбекистон бунёдкорлари сифатида янги тарих яратадиган олтин авлодсиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган

12-11

қисқа рақамли «Ишонч телефони», Яъни «Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 823-сонли қарори асосида педагоглар меҳнатини моддий рағбатлантириш, уларнинг ўқувчилар билан олиб бораётган фаолиятини тизимли баҳолаш ва устамалар ажратиш белгиланган. Ушбу қарор асосида ҳар йили ўқувчилар иштирок этган фан олимпиадалари, кўрик-танловлар, мусобақалар ва бошқа тадбирлар асосида ўқитувчиларнинг базавий тариф ставкаларига қўшимча устама тўланади.



ТАНЛОВЛАРНИНГ ТАНЛОВИ ҲАМ АДОЛАТ АСОСИДА БЎЛСИН

ёхуд устама мезонларида «Ёш китобхон» кўрик-танлови нега йўқ?

Яқинда 2025-2026 ўқув йили учун тузилган танловлар рўйхати эълон қилинди. Бироқ мажбурий рўйхатга республика миқосида ташкил этилган, реал натижага эга баъзи муҳим танловларнинг киритилмагани жиддий эътироз ва саволларни туғдирмоқда. Хусусан, бугунги кунда мамлакатимиз бўйлаб китобхонлик маданиятини шакллантириш, ўқувчиларнинг бадиий тафаккурини ривожлантиришга хизмат қилаётган «Ёш китобхон» танлови устама мезонлари рўйхатида умуман тилга олинмаган.

Ҳолбуки, ушбу танлов ҳар йили туман, вилоят ва республика босқичларида ўтказилиб, унда кўплаб ўқувчилар фаол қатнашади. Устозлар эса, уларнинг тайёргарлигига катта куч сарфлашади. Танлов ғолиблари фахрий ёрлиқлар ва совғалар билан тақдирланаётган бир пайтда, ўқитувчилар бу борадаги меҳнатлари учун бирор моддий ёки расмий эътирофга эга бўлмаётган.

Устамалар белгиланадиган рўйхатда эса, аксинча, амалиётда деярли мавжуд бўлмаган ёки тор доирада ўтказиладиган «Камалак юлдузлари», «Камалак билимдонлари», «Балли, қизлар!», «Яшил чироқ» каби танловларнинг номлари келтирилган.

Эътиборли жиҳати шундаки, рўйхатга «Китоблар фестивали» деган, оммавий тарғибот ёки маданий-ташқилий тадбир сифатида ўтказиладиган бир тадбир ҳам киритилган. Бироқ у қатъий баҳолов мезонларига эга эмас, танлов шаклида ташкил этилмайди ва қатнашчиларнинг ютуғи рақобат асосида аниқланмайди. Бундай шароитда «Ёш китобхон» сингари қатъий мезон, ҳакамлар ҳайъати, босқичма-босқич саралаш тизимига эга танловни эътиборсиз қолдириб, унда фахри ўринни олган ўқувчиларнинг устозлари устамага муносиб эмас, деган хулоса чиқариш мумкин.

Айтмоқчи бўлганимиз шуки, танловларнинг танлови ҳам адолат асосида бўлиши керак. Вазирлар Маҳкамасининг сўз юритилган қарори ижросини мувофиқлаштираётган тегишли идоралар ҳар йили тақдим этиладиган рўйхатни аниқлашда очиқлик, шаффофлик ва амалий ҳақиқатга таянишлари лозим. Ўқувчининг китобхон бўлиши, маънавий юксалиши, бадиий тафаккури ривожланиши ўқитувчи меҳнатининг энг юқори чўққисидир. Агар айнан шу йўналишдаги фаолият эътиборга олинмаса, устама ҳақлар шаклий тусга айланади ва таълим тизимидаги асосий мақсад — сифатли билим бериш эмас, қозғобозликда пешқадамликка айланиши мумкин.

Хуршида НИШОНОВА,
Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти таянч докторанти

■ ПРЕЗИДЕНТ
ТАШРИФИДАН СЎНГ

Қашқадарё

Бир гуруҳ ижодкорлар Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз, Яккабоғ, Қўқдала туманларида бўлди, биз кўрган ҳайратлар шеърга айланди.

Қашқадарё,
Бўйингдан айланай ўзим —
Соҳибқирон юрти, заколар юрти.
Хизр кезган ёруғ манзилларингда —
Бир гўзал, фаровон баётни кўрдим.

Оқсув дарёсининг қирғоқларида —
Гул ўлган ям-яшил сўлим йўлақлар.
Офтобни бошида кўтариб турган —
Ҳисордек забардаст, улуғ тилақлар.

Кўқдала, ползлар кўм-кўк, серҳосил
Чўлнинг кўйнидаги ёқут маржоним.
Чўп суқсанг боғ бўлар, гулистон бўлар —
Заҳматкаш деҳқоним, уста деҳқоним.

Шаҳрисабз, Яккабоғ мардлар ўлкаси —
Тоза лафзи билан ризқ топган диёр.
Тоғу яйловингдан барака кирган —
Жаннат ҳовлиларга ҳавасларим бор.

Қадим Кеш, тарихнинг олтин зинаси —
Ибратдир мозийдан келар ўғитлар.
Бағрингда соғ-омон юришибдим —
Дўстларим — Нилуфар, Абдувоҳидлар.

Обод бўлгай элни обод қилган зот —
Таъриф беқиёс шарафсан, шонсан.
Топганинг тўйларга буюрсин, юртим —
Ҳайратларга тўла Ўзбекистонсан!

Сайёра ТҮЙЧИЕВА



МЕХНАТ МУХОФАЗАСИ

ЭНГ МУҲИМИ – ХАВФСИЗЛИК

Кейинги йилларда юртимизда Президентимиз ташаббуси билан ходимларнинг меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борадаги белгиланган вази­фаларни ҳаётга самарали табиқ этиш мақса­дида Тран­спорт, йўл ва ка­питал қури­лиш, қури­лиш ин­дустрия­си хо­дим­лари ка­саба уюш­маси Фар­гона ви­лоят­и кен­гаши то­монидан қатор лойи­ҳалар амал­га оширил­моқда.

Ана шун­дай лойи­ҳалар дои­расида­ги тад­бирлар­дан бири «KVARTS» АЖ­да ўт­казил­ди. Ка­саба уюш­малари ҳа­ра­катининг 120 йил­лиги му­носа­ба­ти билан иш­лаб чи­қариш­даги бах­тсиз ҳо­ди­салар ва касб касал­лик­ларининг ол­дин­чи оли­ши, иш бе­рув­чи­лар то­монидан хо­дим­ларга соғ­лом ва хавф­сиз ме­ҳнат ша­роит­лари яратиш мақ­са­дида та­ш­кил этил­ган дав­ра су­ҳба­ти «Ме­ҳнат му­ҳо­фазасининг ян­ги бо­сқичи: иш жойи­да сунъий ин­тел­лект ва ра­қам­лашти­ри­шинг

роли» мав­зу­сида бўл­ди.

Иги­ли­шида тар­моқ ка­саба уюш­маси Рес­пуб­лика кен­гаши ва ви­лоят кен­гаши вакил­лари, шу­нинг­дек, ка­саба уюш­ма фа­о­л­лари ишти­рок эт­ди­лар.

Кор­хона­да хавф­сиз­лик ма­са­ла­лари­га чуқур эъти­бор қар­атил­ган. Шунинг учун ҳам хо­дим­лар хавф­сиз ме­ҳнат қи­лиш­лари учун керак­ли бар­ча ша­роит­лар яратил­ган. Бу ер­да ме­ҳнат му­ҳо­фазаси бо­раси­да­ги иш­ларга шун­чаки маж­бу­рият эмас, бал­ки ҳаёт­ий эҳти­ёж си­фа­тида қарала­ди.

Зоҳиджон ҚОДИРОВ,
Транспорт, йўл ва капитал қури­лиш, қури­лиш ин­дустрия­си хо­дим­лари ка­саба уюш­маси Фар­гона ви­лоят­и кен­гаши раиси

МУСОБАҚА

СПОРТ – ТЕТИКЛИК МАНБАИ

Айни кунларда «Касаба уюш­малари ҳа­ра­кати – ме­ҳнат­каш­лар­нинг 120 йил­лик бир­дам­лик ра­м­зи» шиори ости­да тур­ли тад­бир­лар, уч­рашув­лар, му­со­бақалар ўт­казил­моқ­да. Ҳар бир та­ш­килот ўз йўнали­ши бўй­ича ме­ҳнат­каш­ларнинг иж­тимоий фа­о­л­ли­гини оши­риш, соғ­лом тур­муш тар­зини тар­ғиб қи­лиш, жа­моа ру­ҳини му­ста­ҳкам­лаш­га қаратил­ган лойи­ҳаларни амал­га оши­рмоқ­да.



Хусусан, Тад­бир­кор­лик, биз­нес ва хиз­мат кўрсатиш со­ҳалари хо­дим­лари ка­саба уюш­маси Рес­пуб­лика кен­гаши спорт му­со­бақалари та­ш­кил эт­ди. Унда кор­хона ва та­ш­килот­лар вакил­лари фа­ол ишти­рок эт­моқ­далар. Яқин­да пой­тах­тимиз­да­ги «Alutex» спорт­нинг 352 на­фар иш­чи-хо­дими спорт­нинг футбол, стол тен­ниси, шах­мат йўнали­ши бўй­ича бел­лаш­ди­лар.

Му­со­бақа ав­вали­да та­ш­килот­чи­лар ишти­рок­чиларни сам­имий та­брик­лаб, спорт­нинг ҳаёт­да­ги ўрни ва ка­саба уюш­малари фа­о­ли­я­ти ҳақи­да сўз юри­тиш­ди.

– Ав­вало, шуни мам­ну­ният билан таъ­кид­лаш­ки керак­ки, ка­саба уюш­малари ҳа­ра­катининг 120 йил­лиги му­но­са­ба­ти билан та­ш­кил этил­ган спорт ҳа­ф­тали­ги бар­ча учун ру­ҳий таъ­риқ­чилик бах­ш эт­ди, – де­ди «Alutex» МЧЖ ра­ҳ­ба­ри Умиджон Сали­мов. – Кор­хона­ми­зда бугун­ги кун­да 900 на­фар­дан зиёд ки­ши иш­лай­ди, улар­нинг ҳар бири кор­хона тарақ­қи­ёт­ига ўз ҳис­са­сини қў­шиб кел­моқ­да. Соғ­лом ҳаёт

тар­зини тар­ғиб қи­лиш, хо­дим­лар учун спорт май­дон­чаларини бар­по этиш, жа­моавий спорт тад­бир­ларини ўт­ка­зиш усту­вор йўналиш­ларимиз­дан би­ри­дир.

Му­со­бақа яку­ни­да стол тен­ниси бўй­ича «Alutex» хо­дим­лари Фа­ри­га Со­ли­хова би­рин­чи ўрин­ни қўлга кирит­ди. – Иш жараё­ни­да­ги то­лиқ­шан кейин спорт билан шуғул­ланиш ру­ҳий те­тик­лик бе­ра­ди, – де­й­ди у.

Фут­бол ўй­ин­лари мух­лис­лар учун энг қизиқ­ли­си бўл­ди. Унда жи­смоний тай­ёр­гар­лик, так­тика ва жа­моавий­лик усту­вор­лик қил­ди. Аъ­зо­лар ва яқ­на ўй­ин­чилар го­либ­лик учун охи­ри­ги дақи­қа­гача ку­раш олиб бо­риш­ди.

Му­со­бақа яку­ни­да ишти­рок­чилар диплом, фах­рий ёр­лик ва эс­да­лик сов­га­лари билан тақ­дир­ландилар.

Феруза РАҲИМОВА
«ISHONCH»
Эъ­зо­за УМРЗОҚОВА
олган су­рат

ЕТАКЧИНING БИР КУНИ

«Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти Қорақалпоғистон худудий филиали ка­саба уюш­маси қўмитаси фао­ли­я­ти билан танишиш мақ­са­дида уш­бу та­ш­килотга йўл ол­дим. Бир йигит мени Ва­ле­рий Петро­вич ҳузу­ри­га бош­лаб кир­ди. Са­лом­алиқ қи­либ тур­гани­ми­зда бир даста қоғозни кўтар­ган аёл ки­риб келиб, иш бо­раси­да мас­ла­ҳат­ла­шиб, чиқиб кет­ди.



ЁШЛАРГА НАМУНА БЎЛАЁТГАН ВАЛЕРИЙ АКА

– Ҳўш, ана энди иш­ни бош­ласан бў­лади, – дея у мен­га юз­ланди.

Энди оғиз жуфт­лаган­дим кўн­гирок бў­либ қол­ди. Маъ­лум бўл­ди­ки, филиал­нинг Реле хиз­мати элект­ромон­те­ри Жа­ми­ла Дав­лет­муродова яқин­да­гина ши­фо­на­дан чиққан, эн­ди­лик­да дори­дар­мон харид қи­лиш­да қий­на­лаёт­ган экан. Е­так­чи бу мас­ала­ни ҳал қи­ли­шини му­ло­йим­лик билан тушун­ти­р­ди.

Кейин у билан маъ­на­вий хо­на­си­га туш­дик. Бу ер­да ка­саба уюш­малари ҳа­ра­катининг 120 йил­лиги му­но­са­ба­ти билан та­ш­кил этил­ган тад­бир жон­ли му­лоқот, яъ­ни ме­ҳнат му­ҳо­фазаси­га оид савол-жа­во­блар тар­зи­да бў­либ ўт­ди.

таси раиси сифатида фаолият юритиб келяпти.

– Салкам ун йилдан буён туман электр тармоғида электр-таъминотчи уста бўлиб фаолият юрита­ман, – дейди берунийлик Ҳамза Солиев. – Бирор мартаба санаторий ёки дам олишга бормаган эканман. Яқинда ўт­казилган конференцияда ка­саба уюш­маси то­монидан санаторийларга йўл­лан­малар ажратилгани ва хоҳловчилар дам олишга юборилиши ай­тил­ди. Мен ҳам она­мага «Чино­бод» санаторий­си­ва йўл­лан­ма ол­дим.

Филиалнинг то­за­лик бе­ка­си Гу­ли­стон Ген­же­боева боқув­чи­сини йўқот­ган, ўғли талаба. Шу боис кон­тракт пу­ли ва мо­лия­вий то­мон­дан ан­ча қий­на­лаёт­ган оилалар­дан. Бу аёл­га ҳам ка­саба уюш­маси кў­ма­ги­да ёр­дам пу­ли аж­ра­тил­ди.

МЕХНАТ ФАОЛИЯТИНИ ЧИМ­БОЙ РЭТДА ЭЛЕКТРОМОН­ТЕР ЁРДАМЧИСИ ЛАВОЗИМИ­ДАН БОШЛАГАН ЎЗБЕКИСТОН ЭНЕРГЕТИКА ФАХРИЙСИ ВА­ЛЕРИЙ СТАЦЕНКО ОЛТИМИШ ЙИЛЛИК ИШ СТАЖИГА ЭГА. ЙИГИРМА ТҮРТ ЙИЛДАН БҮЁН КА­САБА УЮШ­МАСИ ҚЎМИ­ТАСИ РАИСИ СИФАТИДА ФАО­ЛИЯТ ЮРИТИБ КЕЛЯПТИ.

рашувлар, спорт му­со­бақалари ўт­ка­зиб кели­н­моқ­да. Яқин­да филиал тар­ки­би­да­ги та­ш­килот­лар­дан тузил­ган жа­моалар ўртаси­да ми­ни­фут­бол бўй­ича «Раис кубо­ғи» тур­ни­ри ўт­казил­ди. Шунинг­дек, жорий йил­да сана­то­рий йўл­лан­маларининг аж­ра­тия­ти иш­чи-хо­дим­ларнинг ота-она­лари учун аж­ратил­ди. Де­мак, улар оила аъ­зо­ла­рининг дам олиш ма­с­ка­на­лари­да ҳор­диқ чиқари­шини хо­ҳлаш­моқ­да. Ал­бат­та, бу яхши. Жорий йил ка­саба уюш­малари учун фао­лият сар­ҳисоб қи­лина­диган пал­ла. Филиал­ми­зда ўт­казил­ган ҳис­о­бот-сано­ти ол­дин­еисидан ўз­гача ўт­ди. Аъ­зо­ларимиз қатор тақ­дир ва таъ­сия­лар бериш­ди, кам­чи­лик­лар му­ҳо­ка­ма қи­лин­ди. Улар­нинг ечим­и ю­за­сидан те­ги­лиш чора-тад­бир­лар иш­лаб чиқил­ди, – де­й­ди Ва­ле­рий Петро­вич.

Орта қайтар эканман, иш­чи-хо­дим­ларнинг ме­ҳнат му­ҳо­фазаси, оила­вий ша­роит­и, қо­ла­вер­са, маъ­на­вий юк­са­ли­ши учун жон куй­ди­раёт­ган е­так­чининг фао­ли­я­ти­га му­но­сиб ба­хони сай­лов­чи­лар ал­лақачон бериб бў­лиш­ган, де­ган фикр ўт­ди ҳа­лим­дан.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»

ЭЪТИБОР

«ҚАЙНОҚ ҚАЛБЛАР» ЛОЙИҲАСИ

Наманган шаҳрида­ги Заҳириддин Муҳаммад Бобур но­ми­да­ги ма­даният ва исти­ро­ҳат боғи 17 гек­тар май­дон­ни э­гал­лаган. 64-гул­лар фе­сти­вали дои­раси­да бу ер­да жа­ми қий­мати 10 мил­ли­ард сўм­лик ян­ги су­ғориш ти­зими иш­га ту­ши­рил­ди. Шаҳар­да­ги бош­қа хиё­бон­лар­га ва йўл ёқ­ла­ри­га э­са ки­ши­га ўз­гача завқ бе­ра­диган сал­кам 80 тур­да­ги 100 мил­ли­он ту­п гул тур­ли усул ва кў­риниш­да э­кил­ди.



ши­рин­лик ва чан­қов­бос­ди и­чим­лик­лар тар­ка­тил­ди. Шунинг­дек, улар учун Дав­лат­обод ту­ма­ни­да­ги «Ян­ги Ўз­беки­стон» боғи­га, Тўрақўр­гон ту­ма­ни­да­ги «И­б­рат» му­зейи­га ва «Ах­си­кент» оч­иқ ос­мон ости­да­ги му­зейи­га са­ё­ҳат уюш­ти­рил­ди. Иш­чи-хо­дим­лар маъ­лум муд­дат ме­ҳнат­дан ча­либ, ма­даний ҳор­диқ чиқари­шани­дан ва тар­ихий маъ­лу­мот­лар­га э­га бў­лиш­гани­дан бе­ҳад мам­нун экан­лик­ларини бил­ди­риш­ди.

Дониёрбек МАМАДАЛИЕВ,
Тад­бир­кор­лик, биз­нес ва хиз­мат кўрсатиш со­ҳалари хо­дим­лари ка­саба уюш­маси На­ман­ган ви­лоят­и бир­лаш­ган қў­митаси­нинг Та­ш­килий иш­лар бў­ли­ми му­дир­и

КАСАБА УЮШ­МАСИ АРА­ЛАШ­ГАЧ...

Касаба уюш­малари­га на­фақат иш­чи-хо­дим­лар, бал­ки кор­хона-та­ш­килот­лар ҳам тур­ли ма­са­ла­лар­да му­рожаат йўл­ла­ша­ди. Ал­бат­та, бу унинг жа­ми­ят­да энг иш­о­н­чи ва ну­фузли та­ш­килот­га ай­ланиб бо­раёт­гани­дан да­ло­лат­дир.



Одатий иш кун­ларининг би­ри­да, ани­қроғи, 2025 йил­нинг 20 фев­рал­да Ўз­беки­стон ка­саба уюш­малари Фе­де­ра­ция­сининг Су­рхон­дарё ви­лоят­и кен­гашига Ол­тин­сой ту­мани ободон­лашти­риш бош­қар­маси­дан хат келиб туш­ди. Унда ёзи­лиш­чи­ча, 2024 йил 5 июль ку­ни хиз­мат ва­зи­фасини ба­жараёт­ган бош­қар­ма хо­дим­лари Ра­вшан Мў­ми­нов ва Урол Хо­ли­яр­ов билан бах­тсиз ҳо­ди­са со­дир бўл­ган. Ра­вшан Мў­ми­нов ту­ман мар­кази ҳудудидан оқиб ўтув­чи «Ҳазар­боғ» кана­ли қир­ғоқ­ларини ю­виб-то­залаёт­ган вақ­ти­да сув­га ту­шиб ке­тиб, чуқа бош­лаган. Куча су­пу­рув­чи ва­зи­фаси­да иш­ловчи Урол Хо­ли­яр­ов ҳам­ка­со­бини кутқариш мақ­са­ди­да ўзини кана­лга таш­лаган. Аф­су­ски, ҳар ик­ка­ласи ҳам ҳа­лоқ бўл­ган.

Шун­дан сўн­г, бош­қар­ма то­мон­дан хо­дим­ларнинг оила­си­га бир йўла бе­ри­ладиган то­вон пул­ларини тўлаб бе­риш учун «Уз­агро­су­ғур­та» АЖ Ол­тин­сой су­ғур­та мар­кази­га бар­ча ҳуж­жат­лар жа­ма­ласи то­пи­рил­ган. Ам­мо оран­дан 7 ойдан кў­проқ вақт ўт­са­да, то­вон пул­лари тў­лан­ма­ган.

Ма­са­ла Фе­де­ра­ция­нинг ви­лоят кен­гаши ме­ҳнат-тех­ник ин­спек­тори Эркин Мен­глиев то­монидан жой­ига бо­риб ўр­гани­либ, хо­лат та­ш­виш­ли экан­ли­ги аниқ­ланди. Ҳар ик­ка­ла мар­хў­мининг 3 на­фар­дан во­яга ет­ма­ган фар­занди бор­ли­ги, тур­муш ўр­тоқ­лари улар­ни қий­ин­чи­лик билан тар­бия­лаёт­гани маъ­лум бўл­ди.

«Уз­агро­су­ғур­та» АЖ Су­рхон­дарё ви­лоят­и филиали то­монидан Ра­вшан Мў­ми­новнинг оила­си­га бир йўла бе­ри­ладиган 123 млн. 132 ми­нг сўм, Урол Хо­ли­яр­ов оила­си­га э­са 128 млн. 795 ми­нг сўм то­вон пу­ли тў­лан­ма­гани аниқ­ланди, фуқаро­лик иш­лари бўй­ича Де­нов ту­ман­лар­ро суди­га даъ­во ари­заси киритил­ди.

Иш одилона кў­риб чиқилиб, жа­во­бар та­ш­килот­дан то­вон пул­лари тў­лик ун­ди­риб бе­ри­ли­ши­га эри­шил­ди.

Чори ЖУМАҚУЛОВ
«ISHONCH»

ТОВОН ПУЛИ УНДИРИБ БЕРИЛДИ



Шаҳрисабз туманининг тоғли «Улоч» маҳалласи­да жой­лаш­ган «Гул­нора» бо­ла­лар­ни соғ­лом­лашти­риш ором­го­ҳи узоқ йил­лар­дан буён фа­о­лият ю­ри­таёт­ган­ди. Би­но-ин­шоот­лари маъ­на­ван эскир­ган, бо­ла­лар ҳор­диқ чиқари­ши учун за­мо­на­вий шарт-ша­роит­лар ма­в­жуд бў­лма­ган уш­бу ором­го­ҳ 2022 йил­да бош­лан­ган қу­ри­лиш-бунёд­кор­лик иш­лари на­ти­жа­си­да қай­та­дан қу­ри­либ, жорий йил­да фой­даланиш­га то­пи­рил­ди.



«БУ ЕРГА КЕЛГАНИМДАН ЖУДА ХУРСАНДМАН»

– «Гул­нора» ором­го­ҳи уч йил да­во­ми­да олиб бо­ғариш қу­ри­лиш иш­ларидан сўн­г тў­лиқ за­мо­на­вий ҳо­лат­га кел­ти­рил­ди, – де­й­ди ором­го­ҳ ра­ҳ­ба­ри Сар­вар Ху­дой­на­заров. – Ай­ни пай­т­да иш­на­ма ёт­оқ­хона, кен­га ёр­ғун ош­хона, су­зиш ҳав­за­си, ми­ни-фут­бол, во­лей­бол ва бас­кет­бол май­дон­чалари бо­ла­лар их­тиё­ри­да. Қо­ла­вер­са, бо­ла­лар­нинг

иқ­ти­дорини на­мо­йиш этиш мақ­са­ди­да 10 дан зиёд ту­р­гар­лик фа­о­ли­я­ти йў­ла­га қў­йил­ган ва ма­ш­гу­лот­лар йў­нали­ши­дан келиб чиқиб, жи­на­лан­ган. Би­рин­чи ма­в­сум­да 160 на­фар бо­ла ҳор­диқ чиқар­ган бўл­са, ик­кин­чи ма­в­сум­да 200 на­фар бо­ла­ни қа­бул қил­ган­ми­з.

– Ором­го­ҳ мен­га жуда ёқ­ди, – де­й­ди Фа­ран­гуз Ру­ста­мова. – Бу ер­да на­фақат дў­ст­лар ор­ти­ря­тимиз, бал­ки спорт билан шуғул­ланиш­ти­риш билан бо­ла­лар­нинг дам оли­ши ва соғ­лом­лашти­ри­ли­шини та­ш­кил этиш депар­та­мент­нинг Қаш­қа­дарё ви­лоят­и ҳудудий бош­қар­маси тар­ки­би­да­ги ором­го­ҳлар со­ни 13 та­га ет­ди. Ви­лоят­да, шу­нинг­дек, тур­ли та­ш­килот­лар та­сар­ру­фи­да ҳам 5 та



ором­го­ҳ ма­в­жуд.

– Жорий йил­да ви­лоят­имиз­да 23 ми­нг 130 на­фар бо­ла ором­го­ҳ­лар­да соғ­лом­лашти­ри­ли­ши ва ҳор­диқ чиқари­ши ре­жа­лашти­рил­ган э­ди, – де­й­ди депар­та­мент­нинг Қаш­қа­дарё ви­лоят­и ҳудудий бош­қар­маси ра­ҳ­ба­ри Ис­мат Оч­илов. – «Гул­нора» ором­го­ҳи фа­о­ли­я­ти­нинг йў­ла­га қў­йили­ши уш­бу қам­ров­ни 800 на­фар­га кен­га­йт­ти­р­ди.

Маъ­лу­мот ў­рни­да айтиш жо­зи­ки, бу йил ви­лоят­да ма­в­сум уюш­қоқ­лик билан та­ш­кил этил­ди. Ви­лоят ҳо­ким­и бош­чи­лик­да ком­ис­сия ту­зил­ди ва улар­нинг 5 та иш­чи гу­ру­ҳи тар­ки­би та­с­диқ­ланди. Ма­в­сум бош­ланиши ол­ди­дан ма­в­жуд ором­го­ҳ­лар­да

аниқ­лан­ган кам­чи­лик­лар бар­та­раф этил­ди. Соғ­лиқ­ни сақ­лаш, Мак­таб­гача ва мак­таб таъ­ли­ми, Ички иш­лар, Фа­в­қу­лод­да ва­зият­лар бош­қар­ма­лари ишти­ро­ки­да ором­го­ҳ­лар­да бо­ла­лар­ни дам ол­ди­риш ва соғ­лом­лашти­риш бўй­ича бел­гилан­ган талаб ва нор­малар­га ри­оя этил­ган­ли­ги ўр­гани­либ, теги­шли чора-тад­бир­лар қу­рил­ди. Ма­в­сум да­во­ми­да 400 на­фар­га яқин пе­да­го­г 16 на­фар кутуб­хона­чи, 40 на­фар­га яқин ти­би­биёт хо­дими жалб этил­ди. Ором­го­ҳ­лар­га қў­шим­ча ра­ки­ви­да 30 ми­нг до­на ба­дий ва ил­мий ада­биёт­лар ет­казиб бе­рил­ди.

Баҳодир ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

ПУЛЛИ СИНФЛАР:

ҚАЙСИ ЙЎЛДАН КЕТАЙМИЗ ВА ДУНЁДА БУ МАСАЛА ҚАЙ ТАРЗДА ҲАЛ ҚИЛИНГАН?

Яқинда ижтимоий тармоқларда давлат умумтаълим мактабларида пулли синфлар ташкил этилаётгани ҳақида хабарлар тарқалди. Маълумотларга кўра, пойтахтдаги 50-умумтаълим мактабининг янги очиладиган тўртта 1-синфининг биттаси пулли бўлади. Ушбу синфда ўқувчиларга уч маҳал овқат берилади ва кечгача қўшимча машғулотлар ўтилади. Тижорий синфлар худуди бўйича мактабда ўқиш ҳуқуқига мос тушмайдиган болалар учун мўлжалланган ва нархи 2 миллион 800 минг сўм этиб белгиланар экан.

Бу кенг муҳокамаларга сабаб бўлди. Эътирозларга Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги муносабат билдириши асоси пулли синф деб таълим этилаётган ҳолатлар аслида ўқувчиларга ўқув режа ва давлат таълим стандартларидан ташқари қўшимча таълим бериши учун ташкил этиладиган таълим хизмати эканини таъкидлади.

Мутасаддиларнинг баён қилишича, ушбу тартиб ҳужжатининг 2019 йил 22 апрелдаги 343-қарори билан тасдиқланган тегишли низом талаблари асосида, қолаверса, ота-оналар ташаббуси билан жорий этилмоқда. Ушбу ҳужжатга кўра (*Низомнинг 2-банди*), мактабларда ташқари этиладиган қўшимча таълим беришга қаратилган пулли таълим хизматлари мактабларнинг ўқув дастурларида назарда тутилмаган (*давлат таълим стандартларидан ташқари*) машғулотлар бўйича мактаб директори ва ўқувчиларнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (*кейинги ўринларда буюртмачи деб аталади*) ўртасида тузиладиган шартнома асосида кўрсатилади. Ўқувчилар пулли синфларга мажбурий тартибда жалб этилишига йўл қўйилмайди. Тўшган маблагларнинг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдори ўқитувчиларга ҳақ тўлашга, қолгани мактабнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ва ходимларни рағбатлантиришга йўналтирилади.

Бир қарашда бу эзгу ташаббус ва хайрилик ишдек кўринади. Мақсад ҳам бағоят ажойиб — биллими ва хар томонлама баркамол авлодни шакллантириш. Фақат бу янгиликнинг лекин бор... Саволлар ҳам талайгина. Улардан оsonликча кўз юмиб бўлмайди. Зеро, гап миллатнинг эртанги кўни — болаларимизни камолот сари етаклайдиган буюк йўл ҳақида кетмоқда.

ТЕНГЛИККА ТАҲДИД ЁХУД ХАТАРЛИ ТЕНДЕНЦИЯ

Гарчи расмийлар ушбу ташаббусни мақсад пул ишлаш эмас, балки таълимни ривожлантириш деб ҳаспўшлаётган бўлишса-да, аслида ундай эмас. Чунки давлат мактаб-

рида сифатли таълимга бундай йўл билан эришиб бўлмайди. Бу шунчаки ижтимоий адолатга қарши ҳодиса, холос. Давлат мактабларида тижорий синф бўлиши табақаланишдан ўзга нарса эмас!!! Соғлом ақл билан бу ишни қўллаб бўлмайди. Тижорий синф очиб, фақат уларда яхши таълим бериш, қолганларига ҳаминқадар муносабатда бўлишни ҳатто тасаввур этиш қийин.

Борди-ю, бу ташаббус, ростдан ҳам, ота-оналардан чиқаётган бўлса, марҳамат, улар фарзандини бемалол хусусий ёки ихтисослаштирилган мактабларга берсин!! Бизда бундай таълим масканлари етарли. Хоҳловчилар дилбандларини ана шу дароҳларга олиб борисин!! Ҳеч ким уларга тўқсинлик қилмайди. Лекин давлат мактабини тижорийлаштиришга ҳисса қўшмасин. Чунки бу яхшиликка олиб келмаслиги мумкин.

Беш қўл баробар эмас. Ҳаммининг топиш-тутуши хар хил. Демак, мактабларда гўёки «таълим сифатини ошириш» баҳонасида алоҳида синфлар ташкил этилиши бои ва кам таъминланган оилалар фарзандлари орасида чуқур жарлик ҳосил қилади. Хусусан, моддий шароити оғир оила фарзанди тенг имкониятдан маҳрум бўлади. Тазбир жоиз бўлса, унга «иккинчи сорт» сифатида қаралади. Чунки ўқитувчилар диққат-эътиборини асосан пулли синфларга қаратиши турган гап. Оқибатда бошқа синфларда билим сифати пасайиши хавфи юзга келади.

Бу ташаббус Конституция ва бола ҳуқуқларига мутлақ зид ҳолат. Бинобарин, Бош қомиссияда таълим тўғрисида шундай дейилган: «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Давлат бепул умумий таълимни кафолатлайди. Мактаб иши давлат назорати остида».

Пулли синф жорий қилиш бўйича ташаббус билдираётганлар умумтаълим мактабларида бундай тажриба қонунга қанчалик мос келиши ёки келмаслиги масаласини кўриб чиқишгани-йўқми? Ва бунга Конституцион суд қандай муносабат билдиради?



ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА «ЎЗБЕКЧА ИННОВАЦИЯ» ОЛДИДА ХИЖОЛАТДА

Одатда мутасаддилар бирон-бир янгиликни амалиётга таъбиқ этаркан, хорижий тажрибани дастак қилишади. Бунга кундалик ҳаётиимизда кўп ва ҳўб гувоҳ бўламиз. Ҳўш, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ушбу тартибни ҳаётга жорий қилар экан, бошқа давлатлардаги ҳолатни нечоғлиқ ўрганди? Умуман, бу борада уларда вазиёт қандай?

Келинг, ушбу саволларга айрим давлатлар мисолида жавоб излаб кўрамиз. Интернет манбаларидаги маълумотлар ва хорижда мўқим яшайдиган миллатдошларимизнинг гувоҳлигига кўра, бир қатор ривожланган давлатлар бундай тартиб мавжуд эмас.

Буюк Британияда давлат мактаблари мутлақо бепул. Бирорта пулли синф йўқ. **«Академик мактаблар»** ёки **«грамматик мактаблар»** каби ихтисослашган таълим масканлари бор. Уларга ўқувчилар танлов асосида қабул қилинади. Уларда ҳам таълим бепул. Тўғри, «кўшимча маблағ ийгими» сўраши мумкин, бу ихтирий равишда амалга оширилади.

АҚШда давлат мактаблари федерал ва маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштирилади ва тўлиқ бепул. Махсус (*спорт, мусиқа ва санъатга йўналтирилган*) мактаблар ҳам бепул. Ҳеч қандай ҳолда таълим учун синфларда пул тўлаш талаб этилмайди. Баъзи

тўғрақлар ёки спорт тўғрақлари пулли бўлиши мумкин.

Германияда ҳам ҳукумат мактабларида пулли синфлар йўқ. Дарсликлар, баъзан тушлик ҳам ҳукумат томонидан қопланади. Мўқими, давлат таълим муассасаларида ижтимоий тенглик таъминлига қатъий риёт этилади.

Кунчиқар мамлакат — Японияда давлат мактаблари бепул, лекин **дафтар, форма, тушлик ва бошқа зарур анжомлар** учун ота-оналардан муайян тўловлар олинади. Ҳар бир болага тенг таълим бериш мақсадида пулли синфлар жорий қилинмаган.

Швецияда таълим бутунлай бепул. Ҳатто хусусий мактаблар давлатдан субсидия олади ва қонуний равишда тўлов талаб қилишга ҳақли эмас. Тўлов талаб қилиш ёки «яхши шарт-шароит» учун синфлар ташкил этиш қонунан тақиқланган.

Финляндияда давлат мактабларида таълим, кундалик тушлик, мактаб автобуси ва мактаб анжомлари ҳам текин. Ҳатто хусусий мактаблар ҳам ўқувчилардан тўлов талаб қилмайди. Буни давлат тўлиқ ўз гарданига олган, яъни хусусий мактаблар бюджетдан субсидия олади. Таълим сиёсатида болаларни табақалаштириш қатъий тақиқланган. Бир мактабда икки хил — пулли ва бепул синф ташкил этиш қонунан тақиқланган. Ҳар бир ўқувчи учун бир хил имконият ва ресурс тақдим этилиши давлат сиёсати даражасида таъминланган. Борди-ю,

Ўтган йилнинг 28 октябрь санасида Андижон тумани ҳокими Бобуржон Юлдашев «Ижтимоий муҳофазага мўҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида» қарор чиқарди. 2025 йил 1 январдан кўчга кириши назарда тутилган бу ҳужжатнинг 9-бандида «Маъмур қарор «Андижоннома» газетасида расман эълон қилинсин» дея қайд этилган.

Орадан икки кун ўтган — 2024 йилнинг 30 октябрь кўни Улғунор тумани ҳокими Муҳаммадисломиддин Аҳмаджонов ҳам худди шу мазмунда қарор қабул қилади. Унда «Ушбу ҳужжат «Улғунор» газетасида эълон қилинсин», деган банд бор эди.

Қарорлар моҳиятида акс этган бандлик масаласи ўзи йўлига, биз ҳозир бу ҳақда эмас, балки амалдорларнинг матбуотга муносабати хусусида сўз юритмоқчимиз.

Кўпчиликка маълум, «Андижоннома» — вилоят ҳокимлиги нашри. Бирок Андижон тумани ҳокими ўз қарори орқали вилоят миқёсидаги тахририят зиммасига вазифа юклагани. Аввалига вазмин одамлар ҳар ишдан ҳикमत излагани каби «Туман ҳокимлиги вилоят газетасига хайрихоҳ бўлиб, доимий қўллаб-қувватласа керак-да», деган яхши гўмонларга борасиз. Шундай бўлса қанийди-я?! Асл вазият шунки, 2024 йил давомиде наинки маъмур ҳудуд, балки вилоятдаги бирорта шаҳар ва туман ҳокимликлари «Андижоннома»га бирор нусха ҳам обуна бўлишмаган. Бу йилги вазият ҳам ўтган галгидан беҳроқ эмас.

«Улғунор» газетаси эса бир йил аввал туман ҳокимлиги муассислигидан чиқарилиб, хусусийлаштирилган, бирок шундан буён бирорта сони чоп этилмаган. Туман ҳокими эса ўзи имзолаган ҳужжат орқали аллақачон қўлда кетган нашрга вазифа юклагани. Бугун жойлардаги босма матбуот нашрлари, хусусан, ҳокимликлар муассислигидаги газеталарнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи тўғрисида сўз борар экан, юқоридagi икки ҳолат асл вазиятга баҳо бериш учун етарли бўлса керак.

Андижон вилоятида 10 йиллар аввал ҳам 38 номдаги газета-журналлар чоп этилар эди. Замон зайли билан аксарият тахририятлар фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди. Ҳозир уларнинг учдан бири ҳам қолмади. Кўплаб хусусий ва тармоқ нашрлари қаторида Бўстон, Олтинкўл, Хонобод, Марҳамат, Қорасув, Шаҳришон каби шаҳар ва туман ҳокимликларининг газеталари фаолияти тугатилди. Маҳаллий ҳокимликлар тасарру-

фидаги қолган нашрлар эса амалтакал қилиб кун кўряпти: айримлари икки ҳафтада бир марта, баъзилари ҳар ойда... Ҳатто, икки ойда бир бор чоп этилаётганлари ҳам бор. Аксариятининг адади ҳақида сўз очгани тил бормайди: бор-йўғи 100-200 нусха атрофида.

Туман нашрларидаги ҳолат тушунарли, вилоят ҳокимлиги газетасини аҳволи қандай, деган савол кўнглингиздан ўтаётган бўлса, ажабмас. «Андижоннома» газетаси, мана, уч йилдирки, 15 кунда бир марта, ўртача 1000-1300 нусха атрофида чоп этилатири. «Андижанская правда» газетаси фаолиятини тўхтатганига эса яқинда тўрт йил бўлди.

Матбуотга бефарқ бўлмаган зиёлилардан «Бугун ўқувчи ҳар қандай ахборот ва янгиликлар тармоқлар орқали сониялар ичида хабар топаяпти. Демак, газеталар воқеликлар ҳақида хабарлар эмас, балки тахлилий материаллар бериб борсагина ўқувчисини йўқотмайди», мазмунидagi фикрларни кўп эшитамиз. Бу тамойил шусиз ҳам «Андижоннома» газетаси фаолиятининг ўқ томирига айланган эди, десак, муболага бўлмайди. Ҳаттоки, интернет фойдаланувчилари кам ва ижтимоий тармоқлар оммалашмаган 2010 йилларда нашр саҳифаларида янгиликлардан кўра, тахлилий-танқидий, маърифий материаллар салмоқли ўрин эгаллар эди. Эслаيمان, ижодий йиғинларнинг бирида нашр бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, раҳматли Абдумуталлиб Абдуллаев «Газета саҳифаланаётганда доим ахборот ва янгилик излаб қолаямиз. Мухбирларимиз гўёки оғир вазнли полвонларга ўхшайди, тахлил ва танқидни қўйиллатишди-ю, хабар ёзишни эп қўришмайди», дея зорланганди.

Бу гапда жон бор эди. Газетанинг деярли ҳар сониди ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг турли жаҳалларига доҳил ўткир, «тиш-тирноқли» мақолалар берилар, вилоят раҳбарияти ҳар бир журналистик суриштирув ортдан га-

зетанинг шу саҳифасига устхат тортиб, мақолаларда тилга олинган масалалар юзасидан хизмат текшируви тайинларди. Ҳатто бир гал вилоят раҳбарларидан бири газета бош саҳифасида берилган танқидий чиқишнинг тепасига йирик ҳарфларда «Шарманда!» дея эътиб, катта бир йиғилишда мақолада «пўстаги қоқилган» ташкилот раҳбарининг қўлига тўтқазгани ижодкорлар давраларида ҳали-ҳануз эсланади.

Узоққа

жоннома» ҳамиша ва ҳар доим обуначисини рози қиладиган нашр сифатида ўқувчиларнинг кўнглига йўл топиб келган. Бирок ҳафтада икки марта чоп этиладиган нуфузли газетанинг бугунга келиб даврийлиги 15 кунга, адади 1300 га, йилнинг иккинчи ярмида эса 800-900 гага тушиб қолишининг энг асосий сабабларидан бири муассиснинг эътиборсизлиги, газета тарғиботида бефарқлиги десак, гапнинг индальосини айтган бўламиз. Кўпопроқ ўхшатиш бўлса ҳам, ҳозир оғзига сув томизиб ётган бемор ҳолига тушиб қолган туман газеталари

хусусида ҳам шу фикрни айтиш мумкин: муассис ва тахририят ўртасида мулоқот йўқ, газеталарнинг тақдирини буйича гаплашмоқчи бўлган муҳаррир билан учрашишга эса амалдорнинг вақти ҳам, хоҳиши ҳам йўқ.

2017 йили вилоят ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича (эндиликда собиқ) ўринбосари Сербиддин Исмоилов ҳамда ўша кезлардаги котибият мудири Азизбек Мирқомиллов ташаббуси билан тахририятлар фаолиятини жонлантиришга эътибор қаратила бошланганди. Жумладан, ҳар ҳафтада бир бор вилоят ва туман нашрлари жамоалари билан мулоқотлар йўлга қўйилганди. Айтилик, барча ижодкорлар бир гал ол-

тинкўл тумани ҳокимлиги газетаси тахририятига бориб, тажриба алмашишга, кейинги гал Пахтаобод туманидаги тахририятда меҳмон бўлишди. Бу жараёнларда баъзан вилоят ҳокимининг ўринбосари, кўпчилик котибият мудири, шунингдек, маҳаллий худуд раҳбари, ташкилотлар мутасаддилари ҳам иштирок этиб, газетанинг иқтисодий муаммоларини бартараф этиш, бунда энг муҳими, мажбурий обуна йўли билан эмас, балки маърифий тарғибот усули орқали нашрлар ададини кўпайтиришга эътибор қаратилганди. Етти-саккиз бора ўтказилган шундай учрашувлар натижасида маҳаллий газеталар ҳар бир ташкилотга кира бошлаган, шунга мос равишда тахририятларда ижодий жонланиш ҳам кўзга ташланган эди.

Бирок, юқорида қайд этилган каби, сўнгги 4-5 йилда вилоятда тахририятлар ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Одамларнинг ўз ҳисобидан эмас, балки бюджет маблағларидан ташкилотларга обуна жараёнлари ҳам буткул унутилди. Тарғибот хусусида-ку, гап-сўз бўлиши мумкин эмас.

Жамоатчилик яхши эслаиди: 2021 йили «Андижоннома» 100 йиллик юбилейини нишонлаш тараддудида киришаётган бир паллада ўз вақтида тахририят ташкил этилганининг 50 йиллигига совға сифатида барпо этилган уч қаватли кўркам ва файзли бино бузилиши ва ўрнига мактаб қурилиши бўйича муассисдан кўрсатма келди. Муаммо хусусида оммавий ахборот воситаларида бонг урилган, вилоят ҳокими Шухратбек Абдурахмонов шошилинч равишда тахририят жомаси билан юзма-юз учрашди. Мулоқот жараёнида турли масалалар ўртага ташланди, жумладан, ҳокимлик соатларида «Андижоннома» ҳақида икки оғиз фикр айтилиб, бир асрик тарихга эга бўлган нашрни тарғиб қилиб бориш (обунага мажбурлаш эмас) юзасидан тақлифлар билдирилди. Бирок айни учрашувда тақлифлар «жон» деб қабул қилинди-ю, амалда унутилди.

Қизиқ-да, газета ҳокимликни, у бугунги ислохотларнинг вилоятдаги ижросини, бунёдкор юрдошлар фаолиятини, замондошларимизнинг ўй-кечинмаларини ёритиб боради. Шу аснода ислохотларга тўғаноқ бўлаётган айрим ҳолатлар хусусида аччиқроқ чиқишлар ҳам қи-

кимгадир ихтисослашган йўналишлар керак бўлса, бу давлат молиялаштирадиган махсус синфларда амалга оширилади. Масалан, му- сиқа, санъат, спорт каби соҳаларга ихтисос- лаштирилган мактаблар бор ва улар ҳам тулиқ бепул.

Умуман олганда, Финляндия таълим сиёсати қуйидаги қоидаларга асосланар экан: таълим умумий ҳуқуқ, сотиладиган хизмат эмас. Ҳар бир бола давлат кафолати остида бир хил сифатли таълим олиши шарт. Мактабларда тўлов ва синфларни фарқлаш — таълимдаги тенгликни бузади.

Ҳўш, хорижий тажриба соҳасига маъсул- ларимизнинг иддаосини тўлиқ инкор қилар- кан, таълимни «таълим олиш ҳуқуқи»дан «таълим сотиб олиш имконияти»га айлан- тириш, мактабларда «элита синф» ва «од- дий синф» вужудга келтириш кимга ва нима учун керак? Ҳали бу соҳада ривожланган давлатлардан ўтиб, мақтанадиган жиҳати- миз йўқ-ку! Бундан кўзланган мақсад ҳақиқа- тан ҳам, сифатли таълим тизими яратишими ёки кимларгадир мўмайгина даромад ман- баи яратиши?

НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, аксарият ривожланган мамлакатлардаги давлат мактаб- ларида пулли синфлар мавжуд эмас. Демак, уларда ижтимоий тенглик ва барча болалар учун бир хил имконият энг муҳим тамойил- лардан бири ҳисобланади.

Тўғри, балки пулли синфлар вақтинча, яъни дастлабки йиллар сифатли таълим бериши мумкин, лекин бу жараён таъ- лимдаги адолатни издан чиқариши, таъ- лимни тижоратга айлантириши, ижтимоий му- возанатни бузиши, оқибатда халқ ишончини йўқотиши мумкин.

Давлат мактаблари хусусийлаштириш объекти эмас, балки барча болалар учун тенг имкониятлар манбаи бўлиши зарур. Ҳақиқа- тан ҳам, мақсад таълим сифатини яхшилаш бўлса, уни «пулли синфлар» билан эмас, ак- синчя, **ислохот билан яхшилаш зарур**. Ҳар бир синфини моддий жиҳатдан тенг таъмин- лаш жоиз. Ўқитувчиларнинг малакасини, шу- нингдек, уларнинг талаб даражасида сифатли таълим беришлари учун маъсулиятини, қола- верса, ойлик маошини кўтаришга кўпроқ аҳа- мий қаратиш лозим. Зотан, таълим бу фақат билим бериш эмас, балки жамиятда адолат, имконият ва тараққиётни таъминлаш воситаси ҳамдир. Қисқаса, таълим соҳасига маъсул раҳбарлар давлат мактабларида «ўзбекча инновация»га етти эмас, етти миң марта ўлчаб, кейин қўл уриши лозим! Акс ҳолда, таъ- лим соҳасидаги ислохотлар чапгасига кетиши ҳеч гап эмас!

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ
«ISHONCH»

ГАЗЕТАГА «ШАРМАНДА» ДЕЯ УСТХАТ ТОРТАДИГАН РАҲБАРЛАР БОРМИ?

либ туради. Бирок барча раҳбарлар иштирокида ўтказиладиган ҳоким- лик соати машваратларида газета номи тилга олинмайди. Тўрт соат- гача давом этадиган «жонли моно- лог»да аллақайси блогер ҳақида сўз бориши мумкин, илло, вилоят нашри хусусида «фалончи ҳақида яхши мақола чиқибди» ёки «фалон соҳа- даги муаммолар қаламга олинди» мазмунидagi икки оғиз жумла ай- тишга хасислик қилинади. Шу йўл билан тарғиб қилиш мумкин-ку ахир. Биринчи раҳбарни қўятуринг, соҳага маъсул ўринбосарларни ҳам «Тахри- риятларда нима гап?» деган савол заррача қизиктирмайди.

Боя айтилганидек, тўрт йил ав- вал «Андижоннома» биниси бузи- либ, шов-шув кўтарилган, бошқа бир ташкилотга тегишли иморат зудлик билан таъмирланиб, тахририят шу бинога кўчирилди. Бино эса бош- қа вилоятлардаги каби «Матбуот уйи» эмас, балки «Маърифат уйи» деб номланди. Чунки бу бинодан вилоят маънавият-маърифат маркази, журналистлар ва ёзувчилар уюшма- лари, «Ўзбекконцерт»нинг худудий бўлими, иккита сиёсий партия, Де- мократик жараёнларни тахлил қи- лиш маркази, бешта маданий мар- каз, имконияти чекланган шахс- ларнинг турли уюшмалари, ҳуллас, йиғирмадан ортиқ ташкилотлар кў- ним топди-да. Энг юқори — тўртинчи қаватдаги мажлислар зали эса вилоят филармония ансамбли жома- си ихтиёрига берилди. Бу ерда со- зандалар баъзан кун ора, гоҳо уззу- кун соатлаб репетиция қилишадими, қулқончи қоматга келтиргудек шовкин ва тиж-баданг мусиқадан фаоли- ятига тинч ижодий муҳит зарур бўлган ташкилотлар жамоалари, жумладан, тахририят учун қочгани жой йўқ.

Вазият шу даражага келган экан, муассислардан эътибор қутишининг ўзи жудаям қулғили, а?

Вилоятда барча худудларда бўл- гани каби бу йил ҳам Матбуот ва оммавий ахборот воситалари хо- димлари учун байрам ташкил қили- ниб, фахрийлар ва соҳа ходимларига совға-саломлар улашилди. Бир пёла- ла чойга тақлиф этилди. Аслида эса, юқорида қаламга олинган муаммолар ечимини сари бир қадам ташлашни, жумладан, муассислар ўз мажбурия- тини англаб етишининг ўзи маҳаллий нашрлар жамоалари учун катта бай- рам, мингта дастурхон-у совға-салом- дан аъло бўлар эди.

Бу фикрлар — бугун соҳа фидо- йилари, кўплаб ҳамкасбларимизнинг кўнглидан ўтаётган безовта уйлар де- сак, асло адашмаган бўламиз.

Нурилло НЎЪМОНОВ
«ISHONCH»



ЖИСМОНИЙ МЕХНАТ –

ШАРАФ,


АҚЛИЙ МЕХНАТ –

ДАНГАСАЛИКМИ?

МУЛОҲАЗА

ТАРИХ САҲИФАЛАРИДА

Тараққиёт илдамлаган сари ҳаёт енгиллашмоқда. Фан, технология, рақамли иқтисодиёт — булар нафақат турмуш тарзимиз, балки дунёқарашимиз ҳам ўзгаришига сабаб бўляпти.



Аммо кўпинча биз ҳаётимиз енгиллашганини қабул қилишга тайёр эмасдекмиз. Айниқса, меҳнат ҳақида ҳануз эскича тасавурларимиз мавжуд. Бир сўз билан айтганда, оғир меҳнат қилиш кўпчилик учун ҳали ҳам «шараф» деб қўрилади, у фақат ҳаёт кечирish воситаси эмас, балки инсоннинг инсонийлик мезонидек баҳоланади. Ўз ақлий қобилияти билан даромад топаётганлар эса «дангаса», «оғир меҳнатдан қочувчи» каби таъналарга йўлиқибди.

Бу ҳолатда ёш йигитнинг «айби» нима? Ақли билан меҳнат қилаётганими? У технологиялардан фойдаланиб, қулайроқ, самаралироқ ҳаёт тарзини танлагани учун танбех эшитяпти. Бу ҳолат фақат оғир меҳнатни шараф, деб билиш менталитетининг батамом аксидир. Нега бундай бўлиб қолди? Бу саволга жавоб бир неча асрлик тарихга бориб тақалади. Биз меҳнатни «зўр бериб ишлаш, бел қийшайтириб ер чопиш» сифатида қабул қилиб келганмиз. Тарихда халқимиз зўравон режимида, босқинлар таъсирида бир муддат шакланган. Шу жараёнда оғир меҳнат инсонийлик, ҳалоллик, сабр рамзи сифатида баҳолана бошланган.

Меҳнатни эмас, самарали меҳнатни афзал кўриш демакдир. Хорижда одамлар сунъий интеллект ёрдамида муаммоларни ҳал этаётганда, сайёралар орасида космик тадиқотлар ўтказилаётганда, биз ҳали ҳам «эрталабдан кечгача ер чопмаса, у меҳнаткаш эмас», деган қарашда қоляямиз. Бир Жанубий Кореялик дўстим билан суҳбатимиз чоғида у шундай деди: — Бизда одамлар оғир меҳнат қилишни уят, деб ҳисоблайди. Ҳамма офисда, тоза ва қулай шароитда ишлашга интилади. Оғир ишларни эса сизларнинг ҳамюртларингиз каби чет давлатлардан келган меҳнат муҳожирилари қилиб беради.

Бир томондан, ҳақиқат — иккинчи томондан, ичинг эзилладиган гап. Биз «Оғир меҳнат қилаямиз», деб фахрланиётган бир пайтда, бошқалар бунни уят, деб ҳисоблашапти. Биз шараф деб билган ишларга улар аллақачонлар ортда қолган давр сифатида қарашаяпти. Аслида бу қараш тўғрроқдек. Чунки ҳаёт жисмоний чарчоқ эмас, самара, ақл ва имконият асосида қурилади. Нима қилиш керак? Аввало, «Ҳар иш оғир бўлиши, жисмоний толиқтириши шарт», деган фикрдан воз кечish вақти етди. «Оғир меҳнат — шараф, енгил меҳнат — дангасалик», деган тўқимани ҳам рад этишимиз керак. Қишлоқ ёшлари учун интернет орқали ишлаш, масофавий касблар ўргатиш, замонавий агротехнологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш лозим. Ота-оналарни ҳам тарғибот орқали замон талабларига қуниқтириш талаб этилади.

УНУТИЛМАГАН МУҲАББАТ ҚИССАСИ

— Бу ерда, ўз даврида одамлар яшаб, меҳнат қилган, — дея сўзида давом этди у. — Миздакхон тарихий археологик мажмуасида олиб борилган археологик ва тарихий тадиқотлар натижасида бир қанча мақбаралар, масжид ва болаларнинг билим олишлари учун мадрасаларнинг мавжудлиги аниқланган.

Жумладан, Назлумхон сулувер ости мақбараси, Ережеп халфа, Шамун Наби мақбараси, Жўмард қасоб минораси, Муртаза бий, Авазхон бий мақбаралари ва Қирқ чўпон, Абдираман шаламан, Мадреймхон сингари буюк аждодларимизнинг мақбаралари урин олганлигини таъкидлаш лозим. Миздакхоннинг Назлумхон сулувер (халқ орасида Назлумхон деб ҳам юрилади) мақбараси юзасидан 1928-1929 йилларда профессор А.Ю.Якубовский томонидан олиб борилган экспедиция жараёнида бу жойнинг «қиз уйи» эканлиги, яъни ер остидан етти қават пастда қурилган фақат ер юзиде гўмбазлари ва девор формасида тикланган кичиккина девор борлигини тасвирлаб ўтади. Бу ер 30х30 метр майдонни эгаллаб, мақбарани ривоятларда келтирилишича «қиз уйи»ни тиклаган уста Абутолибнинг дафн қилинганлиги ҳамда Назлумхон сулувернинг қабри ҳам борлиги қайд этилган.


Халқ орасида Назлумхон сулувер, деб юрилишига тўхталадиган бўлсак, ўша даврдаги ҳукмдор қизига муносиб қувв ахтарайди ва у ҳеч бир давлатда бўлмаган ўзгача бир сарой бунёд қилиш мақсадида усталарни йиғади ва уларга эста салқин, қишда иссиқ бўладиган шундай сарой тикланг-ки, бундай сарой ер юзиде битта бўлсин, дея буйруқ беради. Лекин ҳеч бир уста ҳукмдор истаган саройни қуришни уздадай олмаслигини билдиради. Шунда Абу Толиб исми уста худди подшо айтганидек қилиб саройни қуриб, битказайди.

Подшо йигитнинг насл-насабини суриштириш унинг камбағал оиладан эканлигини билиб олади. Қизига бу йигитни муносиб кўрмай ўз аҳдидан қайтади. Аммо йигит ва қиз аллақачон бир-бирига ошиқ бўлиб қолганди. Остани йигитга қизини узатишни хоҳламай қаршилик қилади. Шунда икки ошиқ мақбара ичидаги гўмбаздан ўзларини ташлаб вафот этади.

Фотима ҚАЛАНДАРОВА

Одамлар «Бир қулгим келади, бир йиғлагим», деган иборани тез-тез ишлатади. Илгари бу гапга бироз шубҳаланиб қарардим. Аммо айни кунларда ишхонамизда рўй бераётган воқеалар туфайли юқоридаги гапнинг мазмун-моҳиятини ўз танамда ҳис қилаямман.

Рақамлаштирамиз



Яқинда ишхонамизга «Департамент» деган баландпарвоз мақом берилди. Бу энди оддий одамга ўшаб ишлаш тугади, «катта» бўлганмиз, демак, қадам ҳам катта, овоз ҳам баланд бўлиши керак, дегани. Раҳбар ҳам янги тайинланди. Хуллас, ёши олтимишдан ошган, «тасарруфни» «дастурхон», «инновация»ни «турк сериали», деб ўйлайдиган бир отахонни бошлиқ қилиб қўйишди.

Отахон — «эскининг пишшиги». У кишида кунда икки марта мажлис ўтказиш одати бор. Унинг мажлислардаги бақир-чақирини, ҳар бир саволга рақамли жавоб талаб қилишини кўрган одам «Бу инсон системани ичак-човоғига гача биларкан», деган хулосага келиши мумкин. Лекин... Бир кун «энг юқори»дан кўрсатма келди. Тизимни рақамлаштириш керак эмиш. Ҳа, топшириқда шундай ёзилган.

Отахоннинг таъбирича, «ҳодимларнинг ақли паст», қилинаётган ишларни унга тушунтира олишмаяпти. Ҳозир ҳар бир ҳодим «қўл-ёзма — слайд — Word» орасида сакраб юрибди. Камина фурсатни ганимат билиб, «ишларни янада такомиллаштириш» бўйича тақлиф тайёрладим. Тўғри, буни менга бошлиқ айтмади, шунчаки ўзим ташаббус кўрсатдим. Тақлимим шундай. Илтимос, бирорта театр труппасини чақиринг. Улар қилинган ишлар ва режаларни спектакл қўринишида сахналаштирсин. Ҳар бир эпизодни, йўғе, ҳар бир рақамлаштиришни «роль ижро этиб» тушунтирсин. Сценарий шундай бўлсинки, слайднинг ҳам, қўл-ёзманинг ҳам, ҳисоботнинг ҳам кераги бўлмасин! Актёрнинг мимикаси бошлиққа рақамлаштириш нима учун лозимлигини тушунтириб турсин: — Бууу бир: рақамлаштириш нафақат рақам бериш экан. — Бууу икки: тизим — инсонга хизмат қилиши керак экан. — Бууу уч: қуруқ ҳисобот билан ҳаёт ўтмайди...

ЎХЖВИЯ

Дилдора ИБРОҲИМОВА «ISHONCH»

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!



Гулсал Абдуллаева ижросида «Онажон» кўшиғи

Қалбимнинг кўрида жойингиз илиқ, Нурдай ёқимлисиз, сувдайин тиниқ. Сиз бор бахт сўзининг барчаси тўлиқ, Кўрар кўзларимнинг зиёси онам.

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot Agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati: Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOVI, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib - «Ishonch»), Valentina MARSENYOV (Mas'ul kotib - «Ishonch-Doverie»). Bosh muharrir Husan ERMATOV

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti - (71) 256-64-69, Huquq va xalqaro hayot - (71) 256-52-89, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport - (71) 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash - (71) 256-85-43, Marketing va obuna - (71) 256-87-83. Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi - (+998-99) 889-98-20, Andijon viloyati - (+998-99) 889-90-23, Buxoro viloyati - (+998-99) 889-90-31, Navoiy viloyati - (+998-99) 500-05-12, Jizzax viloyati - (+998-99) 889-90-34, Namangan viloyati - (+998-93) 213-09-66, Samarqand viloyati - (+998-99) 889-90-26, Sirdaryo viloyati - (+998-99) 889-98-55, Surxondaryo viloyati - (+998-99) 379-19-70, Toshkent viloyati - (+998-99) 600-40-44, Farg'ona viloyati - (+998-99) 889-90-24, Xorazm viloyati - (+998-99) 889-98-01, Qashqadaryo viloyati - (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir: Salim ABDURAHMONOV. Musahhih: Umid XUDOYBERGANOVA. Sahifalovchi: Hasan ABDUJALILOV. Bahosi kelishilgan narxda: Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta ishonchning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch 1991@yandex.uz. Nashr ko'rsatkichi: 133. Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmilaylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 32 083 ta. Shunday: 6 086 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi - Toshkent shahri, Buyuk Taron ko'chasi, 41-uyda; 18 116 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi - Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 7 881 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi - Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma: G-711 1 2 3 4 5 6